

«Бухоро вилоят Ромитан тумани ҳудудида жойлашган “Ромитан” 110/35/10 кВ подстанциясининг реконструкция қилиш.

Бухоро шаҳри

2022 йил “19” октябрь

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган «Бухоро ХЭТК» АЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи директор Б.Б.Ҳаётов бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган «SITAN» МСНҲ номидан Низом асосида иш кўрувчи директор М.Р.Матқаримова иккинчи томондан Бухоро вилоят Ромитан тумани ҳудудида жойлашган “Ромитан” 110/35/10 кВ подстанциясининг реконструкция қилиш га доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

**1. Таърифлар**

**1.Мазкур шартномада тарифлар кулланилади:**

“ижро ҳужжатлари”: - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар:

“қурилиш майдони”: Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

“вақтинчалик ишлар”: Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

“беркитилган ишлар”:- сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

шартномани нархини бўлиб чиқиш: ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

**II. Шартнома мавзуси**

2.1. Пудратчи мазкур шартнома Бухоро вилоят Ромитан тумани ҳудудида жойлашган “Ромитан” 110/35/10 кВ подстанциясининг реконструкция қилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.2. Шартномага қўшимча равишда пудратчи томонидан 1-иловада ишларни бажариш графиги, 2-иловада амалга ошириладиган ишларни техник баённомасини тақдим этади. Ушбу иловалар шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

**III. Шартнома бўйича ишлар қиймати**

3.1. Мазкур шартнома бўйича Буюртмачи томонидан УзРТСБда ўтказилган №151942-сонли электрон тендер натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг баённомаси (2022 йил “14” октябрдаги “1541942”-сон баённомаси) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда – 10 499 500 000,00 (Ўн миллиард тўрт юз тўқсон тўққиз миллион беш юз минг) сўмни ташкил этади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно;

қурилиш қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

3.3. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

**IV. Пудратчининг мажбуриятлари**

4.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 20%ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- иловага мувофиқ қурилиш майдонида зарур қурилиш материаллар, усқуналар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш оморга жойлаш ва сақлаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- қурилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-усқуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшашиш;

қурилиш майдонини кўриқланишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

4.2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

## **V. Буюртмачининг мажбуриятлари**

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча муурожаатларини ун кун муддатда қуриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

## **VI. Ишларни бажариш муддати**

6.1. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

6.2. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.3. Танлов натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан - **60 кунни** ташкил этади.

6.4. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## **VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар**

7.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 15 % кам бўлмаган миқдорда аванс ўтказиши.

7.2. Буюртмачи томонидан Пудратчига амалга оширилган ишлар далолатномасига асосан тўловларни амалга ошириб боради.

7.3. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 95 % гача доирасида амалга оширилади.

7.4. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган қафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 5% гача миқдорда, амалга оширилади.

7.5. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.6. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## **VIII. Ишларни бажариш**

8.1. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб усқуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.

8.4. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.5. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.6. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.7. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

8.8. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

8.9. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

8.10. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

8.11. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

8.12. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.13. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

8.14. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

8.15. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

8.16. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

8.17. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

8.18. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

8.19. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

## **IX. Ишларини кўриклаш**

9.1. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўрикланишини таъминлайди.

9.2. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## **X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## **XI. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш**

11.1. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиш тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган кўрсаткичлари биноан амалга оширилади.

11.2. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномаси ва “Ўзэнергоинспекция” ёки унинг ҳудудий бўлимлари томонидан ўтказилган кўрик далолатномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

11.3. Пудратчи қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.4. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## **XII. Кафолатлар**

12.1. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бўтловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вақтида бартараф қилинишни;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

12.2. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиш тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

12.4. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш “Ўзэнергоинспекция” ёки унинг ҳудудий бўлимлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## **XIII. Шартномани бекор қилиш**

13.1. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,

ган объект  
и худуддаги  
ишларнинг  
қилиши

- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- пудратчи томонидан шартнома шартлари қилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

### 13.2. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

13.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидага мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

14.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,01 % (фоиз) миқдорда пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 % (фоиз) дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

14.3. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 10 % (фоиз) миқдорда жарима тўлайди.

14.4. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 (фоиз) миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 10 % (фоиз)дан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,01 % (фоиз) миқдорда пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 10 % (фоиз)дан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди.

14.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 1 % фоизи миқдорда ундириш ҳуқуқига эга.

14.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

14.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

## XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

15.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

## XVI. Алоҳида шартлар

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. Пудратчи курилиш объектига ёки унинг алохида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

16.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.5. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

16.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

16.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

## XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари.

### Буюртмачи:

“BUXORO NETK” AJ

Манзил: Бухоро шаҳар Саноатчилар  
кучаси 1/1 уй  
Тел/факс : 225-38-33  
х/р 2021 0000 7004 8730 3001  
22604000300487303998  
СТИР 201 188 400 ОКЭД 35120  
Банк: “Узсаноатқурилишбанк” Бухоро  
минтакавий БХО  
МФО 00440

### Пудратчи:

«SITAN» MCHJ

Манзил: Тошкент ш,  
Жарқурғон кўчаси, 76  
Тел: 71 283-93-71  
Х/р: 2020 8000 2002 4700 7001  
СТИР 202017366 ОКЭД 27120  
Банк: АТИБ “Ипотека банк”  
Миробод филиали  
МФО 00420


Бош директор:  Б.Б.Хайётов  
Ҳуқуқшунос:  А.Асоев  
Қ. Қ. Булим бошлиғи:  А.Шокиров



Тижорат директори:  М.Р.Матқаримова  
Ҳуқуқшунос:  Д.Н.Бабаханов  
Сотув булим бошлиғи:  С.В.Терешенко



СОҒЛИҚ ҚОЗГАНДИҚИ  
 Генеральный директор АО Бухарское ПТЭС»  
 Хаётов Б.Б.  
 « \_\_\_\_\_ 2022 г.



УТВЕРЖДАЮ:  
 Директор ООО «SITAN»  
 « \_\_\_\_\_ 2022 г.  
 Маткаримов М.Р.




ГРАФИК ВЫПОЛНЕНИЯ РАБОТ на 2022 год.  
 По объекту: РЕКОНСТРУКЦИЯ ПС 110/35/10 КВ "РОМИТАН" В РОМИТАНСКОМ РАЙОНЕ БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ.

№	Наименование работ	1-я декада	2-я декада	3-я декада	4-я декада	5-я декада	6-я декада
1.	ПС-110/35/10 кВ						
1.1	Демонтажные работы						
1.2	Строительные работы						
1.3	Приобретение Оборудования						
1.4	Монтаж Оборудования						
1.5	Монтаж первичных цепей						
1.6	Приобретение материалов						
1.7	Монтаж вторичных цепей						

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 151942 на приобретение Рометан туманидаги 110/35/10 кВ "Рометан" подстанциясини реконструкция килиш**

Способ проведения электронный

Дата 14.10.2022

Время рассмотрения 13.10.2022 19:00

Закупочная комиссия, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Член комиссии</b>	Джумаев Акмал	Начальник отдела	Бухоро ХЭТК АЖ
<b>Секретарь комиссии</b>	ELMURODOV NODIRBEK AKBAROVICH	МТТВ boshlig'i	Buxoro HETK AJ
<b>Член комиссии</b>	Maxmudov Ibrotillo Nematilloevich	Direktor po OV	"Buxoro HETK" AJ
<b>Член комиссии</b>	Xaydarova Firuza Maxmudovna	Bosh hixobchi	"Buxoro HETK" AJ
<b>Член комиссии</b>	Asoyev Akobir Baxodirovich	Huquqshunos	"Buxoro HETK" AJ
<b>Член комиссии</b>	Usarov Qosim Qilichevich	KQB direktor	"Buxoro HETK" AJ
<b>Член комиссии</b>	Sharipov Damirjon Baxodirovich	MIB boshlig'i	"Buxoro HETK" AJ
<b>Председатель комиссии</b>	Aslonov Ilhom Rustamovich	MI va ES direktori	"Buxoro HETK" AJ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 14.10.2022 года № лота 151942.

Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Работы по строительству электрической подстанции</b>
Подробное описание	Рометан туманидаги 110/35/10 кВ "Рометан" подстанция реконструкция килиш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	13307 239 475.00
Стартовая сумма	13307 239 475.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Иштирокчининг узи ишлаб ишлаб чикарган жихоз ва махсулотлари

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчининг узида ишлаб ишлаб чикарилган жихоз ва махсулотлари учун: ишлаб чикариш кувватини, норматив хужжатларини, мувофикликлик сертификатларини тақдим килиши.



Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO LUKSOMER	10	сертификатлар	0	Экспертная		
ENERGOMASH-AP MCHJ	10	сертификатлар илова килинади	5	Экспертная		
O'ZELEKTROAP.-ELEKTROSHIELD AJ	10	1 Сертификаты соответствия и производственные мощности	10	Экспертная		
NP ESAN M.Ч.Ж.	10	Информация во вложенном файле	0	Экспертная		
MEGA TRANS ENERGO SYSTEM MCHJ	10	ишлаб ишлаб чикарган жихоз ва махсулотлари	10	Экспертная		
OOO ENERGO MAX	10	Ишлаб чикариш куввати	10	Экспертная		
SITAN OOO	10	инфо	10	Экспертная		

Критерий №2 иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Конкурс иштирокчисининг иш тажрибаси

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO LUKSOMER	10	иш тажриба	10	Экспертная		
ENERGOMASH-AP MCHJ	10	иш тажриба	10	Экспертная		
O'ZELEKTROAP.-ELEKTROSHIELD AJ	10	8 Опыт работы (Згода) и общий референц лист , контракты, акты, отзывы	10	Экспертная		
NP ESAN M.Ч.Ж.	10	информация во вложенном файле	10	Экспертная		
MEGA TRANS ENERGO SYSTEM MCHJ	10	иш тажрибаси	10	Экспертная		
OOO ENERGO MAX	10	Конкурс иштирокчисининг иш тажрибаси	10	Экспертная		
SITAN OOO	10	опыт	10	Экспертная		

Критерий №3 Иштирокчининг харид киладиган жихоз ва махсулотлари

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчи айрим жихоз ва материалларги бошка бир ишлаб чикарувчи корхонадан харид килса: Жихоз ва махсулотларни сотиб олинадиган ташкилотдан етказиб берилиши тугрисидаги ёзма хати ва шартнома нухасини

тақдим қилиши.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО LUKSOMER	10	шартнома	7	Экспертная		
ENERGOMASH-AP MCHJ	10	шартнома нусхаси	7	Экспертная		
O'ZELEKTROAP.-ELEKTROSHIELD AJ	10	7 Доверенность на поставку оборудования от покупаемой организации с их сертификата	10	Экспертная		
NP ESAN M.Ч.Ж.	10	информация во вложенном файле	0	Экспертная		
MEGA TRANS ENERGO SYSTEM MCHJ	10	харид киладиган жихоз ва махсулотлари	0	Экспертная		
ООО ENERGO MAX	10	Иштирокчининг харид киладиган жихоз ва махсулотлари	0	Экспертная		
SITAN ООО	10	авторизация	10	Экспертная		

Критерий №4 махсус рухсатнома,

Тип: Текстовое значение

Описание: махсус рухсатнома,

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО LUKSOMER	10	лицензия	10	Экспертная		
ENERGOMASH-AP MCHJ	10	лицензия	10	Экспертная		
O'ZELEKTROAP.-ELEKTROSHIELD AJ	10	6 Специальное разрешение на выполнение работ(ПНР ЕЕ+ лицензи Уз ЭА+лицензии СМП)	10	Экспертная		
NP ESAN M.Ч.Ж.	10	Информация во вложенном файле	10	Экспертная		
MEGA TRANS ENERGO SYSTEM MCHJ	10	рухсатнома,	0	Экспертная	Дисквалифицирован	
ООО	10	Ушбу	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ENERGOMAX		ишларни бажариш учун махсус рухсатнома				
SITAN 000	10	разрешение	10	Экспертная		

Критерий №5 Конкурс иштирокчисининг умумий маълумотлари

Тип: Текстовое значение

Описание: Конкурс иштирокчисининг умумий маълумотлари

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
000 LUKSOMER	10	умумий маълумотлар	10	Экспертная		
ENERGOMASH-AP MCHJ	10	умумий маълумотлар	10	Экспертная		
O'ZELEKTROAP.-ELEKTROSHIELD AJ	10	5 общая информация(гувохнома, Устав,ISO)	10	Экспертная		
NP ESAN M.Ч.Ж.	10	Информация во вложенном файле	10	Экспертная		
MEGA TRANS ENERGO SYSTEM MCHJ	10	умумий маълумотлари	10	Экспертная		
000 ENERGOMAX	10	Конкурс иштирокчисининг умумий маълумотлари	10	Экспертная		
SITAN 000	10	общ инфо	10	Экспертная		

Критерий №6 Конкурс иштирокчисининг иш хаки жамгармаси ва ходимлар уртача сони буйича курсатгичлари

Тип: Текстовое значение

Описание: Конкурс иштирокчисининг иш хаки жамгармаси ва ходимлар уртача сони буйича курсатгичлари

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
000 LUKSOMER	10	штат	0	Экспертная		
ENERGOMASH-AP MCHJ	10	иш хаки жамгармаси ва ходимлар уртача сони	7	Экспертная		
O'ZELEKTROAP.-ELEKTROSHIELD AJ	10	4 Показатели фонда оплаты труда и среднесписочная численность работников( отчет T1)	10	Экспертная		
NP ESAN M.Ч.Ж.	10	Информация во вложенном файле	9	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MEGA TRANS ENERGO SYSTEM MCHJ	10	иш хаки жамгармаси ва ходимлар	9	Экспертная		
ООО ENERGO MAX	10	Конкурс иштирокчисининг иш хаки жамгармаси	8	Экспертная		
SITAN ООО	10	показатели	7	Экспертная		

Критерий №7 бажариладиган ишлар учун кафолат

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишларни бажарувчи бажариладиган ишлар учун кафолат бериши

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО LUKSOMER	10	кафолат хат	10	Экспертная		
ENERGOMASH-AP MCHJ	10	кафолат хат	10	Экспертная		
O'ZELEKTROAP.-ELEKTROSHIELD AJ	10	3 Гарантийное письмо на выполнение работ	10	Экспертная		
NP ESAN M.Ч.Ж.	10	Информация во вложенном файле	10	Экспертная		
MEGA TRANS ENERGO SYSTEM MCHJ	10	бажариладиган ишлар учун кафолат	10	Экспертная		
ООО ENERGO MAX	10	Бажариладиган ишлар учун кафолат	10	Экспертная		
SITAN ООО	10	гарантия	10	Экспертная		

Критерий №8 молиявий курсатгичлари

Тип: Текстовое значение

Описание: Конкурс иштирокчисининг молиявий курсатгичлари

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО LUKSOMER	10	3 йиллик	7	Экспертная		
ENERGOMASH-AP MCHJ	10	3 йиллик	7	Экспертная		
O'ZELEKTROAP.-ELEKTROSHIELD AJ	10	2 Финансовая отчетность за последние 3 года Балансы и аудит 2019г2020г2021г_2.	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NP ESAN M.Ч.Ж.	10	Информация во вложенном файле	9	Экспертная		
MEGA TRANS ENERGO SYSTEM MCHJ	10	молявий курсатгичлари	9	Экспертная		
ООО ENERGO MAX	10	Конкурс иштирокчисининг молявий курсатгичлари	7	Экспертная		
SITAN ООО	10	фин показатели	8	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
O'ZELEKTROAP.-ELEKTROSHIELD AJ	13 307 239 475.00	13 000 000 000.00 UZS	13 000 000 000.00	00.00	13 000 000 000.00	06.10.2022 11:46:26	80.76538
ООО ENERGO MAX	13 307 239 475.00	10 959 765 700.00 UZS	10 959 765 700.00	00.00	10 959 765 700.00	06.10.2022 12:22:34	95.80041
ENERGOMASH-AP MCHJ	13 307 239 475.00	12 400 000 000.00 UZS	12 400 000 000.00	00.00	12 400 000 000.00	06.10.2022 06:54:36	84.67339
SITAN ООО	13 307 239 475.00	10 499 500 000.00 UZS	10 499 500 000.00	00.00	10 499 500 000.00	06.10.2022 12:35:40	100

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
O'ZELEKTROAP.-ELEKTROSHIELD AJ	Прошел	80.76538	80.76538
MEGA TRANS ENERGO SYSTEM MCHJ	Не прошел	Не прошел	Не прошел
NP ESAN M.Ч.Ж.	Не прошел	Не прошел	Не прошел
ООО LUKSOMER	Не прошел	Не прошел	Не прошел
ООО ENERGO MAX	Прошел	95.80041	95.80041
ENERGOMASH-AP MCHJ	Прошел	84.67339	84.67339
SITAN ООО	Прошел	100	100

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 151942 от 14.10.2022 года на приобретение Рометан туманидаги 110/35/10 кВ "Рометан" подстанциясини реконструкция килиш определила победителем:

SITAN ООО  
202017366

и резервный исполнитель: ООО ENERGO MAX (301200880)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	Aslonov Ilhom Rustamovich	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	Maxmudov Ibrotillo Nematilloevich	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	Xaydarova Firuza Maxmudovna	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	Sharipov Damirjon Bahodirovich	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП